

БУЛТУРГИДАН КЎП

ОҲАНГАРОН районидagi «Охангарон» совхози чорвадорлари КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олишган эди. Шунингча давлатта биринчи қаватли планда белгиланган 67 тонна ўғитига 82,4 тонна гўшт топирилди.

Ҳўжаликда ситирилар маҳсулдорлиги кўпайиб бормокда. Айни кунларда ҳар босгин ситирдан ўртача 7 килограммга етказиб сўт солинмоқда. Давлатта кунда 6 тоннадан маҳсулот сўтиляпти. Бу аса ўтган йилги шундаги нисбатан ас кўпдир. Ҳўжаликда ҳозирча давлатга топирилган жами сўт 284 тоннадан ортиқдир.

Қ. КАРИМОВ

8 март—халқаро хотин-қизлар кун



СЎЗГА СОЗ УЛАНДИ

ТОШКЕНТ таърифулчилар маданият саройига 8-Март байрами арафасида Ленин районининг энг дондор аёллари тўпланишди. Улар ўз ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт ўр-тасида катта обрў-эътибор қозонишган. Коммунистлар хо-тин-қизлардан 98 нафарини бошланғич партия ташкилоти секретарлигига сайлашган. 119 хотин-қиз эса район ва шаҳар совети депутатидир. «Қизил тоғ» тикувчилик бир-лашмаси тикувчиси Ирода Тў-

лармонияси санъаткорлари на-мойиш этган программалар оналарга манзур бўлди. 8-Март байрами арафасида областининг бошқа шаҳар ва районларида ҳам шундай қизиқарли кечалар, учрашу-ва-лар бўлиб ўтди. Д. НАСРИДИНОВ.

□ СУРАТЛАРДА: меҳнат ве-терани Антонина Васильевна Ахмедова ва Навоий номи Узебекистон ССР Давлат ака-демик опера ва балет Катта театри солисти Ольга Алек-сандровна байрам қатнаши-ларини табрикламоқдалар. А. ЗУФАРОВ ФОТОЛАРИ.

«СИЗЛАР УЧУН, АЁЛЛАР»

Ҳамза районидаги «Ровес-ник» маданият уйи коллек-тивининг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб тай-яролаган байрам программаси ана шундай деб номланди. Концерт программасига ёш-лар студияси ва кўғирчоқ театри студияси спектакл-ларидан намуналар, миниатю-ралар ҳамда эстрада группаси қатнашчиларининг дилра-бо куй ва қўшиқлари жам-ланган. Уларнинг барчасида социалистик жамиятимиз хотин-қизларининг бахт-сао-дати, турли жабҳаларда қўл-га киритаётган ютуқлари, Ва-тан мадҳи тараннум этила-ди.

Маданият уйи коллективи байрам кунларида ўз санъ-атлари Н. К. Крупская но-мидаги санаторий даволауви-чиси ҳузурида намоиш этди. Бу номерларни тай-яролашда бадий раҳбарлар С. Жданкин, В. Элеашвили, С. Исачевларнинг ҳиссала-ри катта бўлди. Д. ҚОДИРОВА.

Қизларнинг шеърят дафтаридан

Анора Пардабоева шеър-лари навқирон шеърят-ининг шу кунларидаги ово-зига ҳамоҳанг. У кўпгина тенгдошлари қатори замон-дошларимизнинг терең қалб-туйғуларини куйлашга ин-тилади. Ҳаётдан ўзига ҳос-жилолар топади, янги таш-беҳлар излайди, уларни таъ-сирчан ифода этиш йўллари-ни ахтариб. Бу менимча, ҳақиқий ижодий изланиш йўлидир. Шу бондан ҳам шоирнинг лиризмисирлари руҳий тушқунликдан ироқ, умидбахш ва неқбиннавоз. Мен Анорага илк бор оқ йўл тилаганимда ҳам унинг ана шу самимий туйғуларини эътироф этганман. Унинг тағин бир ютуғи шундаки, шоира ана шу услубда қа-мола интилоқда. Унинг ижодида янги ютуқ-лар, каттар-камсуханлик ер бўлаверсин! Туроб ТўЛА. Ўзбекистон ССР халқ ёзув-чиси.

БИР МАЙДОН БОР

Биров билар, биров билмас
Бир майдон бор дунёда.
Унда армон, унда ҳавас,
Шодлик ҳам бор зиёда.

Гоҳо тоғин қаршилайман,
Дуч келай деб майдонга.
Етиб бўлмас енгил-елли
Ўй билан ул маконга.

Чавандози пойгага шай
Бойчоборлар кишмайди.
Майдон шундай, мард, фидойи
Суворийни хушлайди.

Елкасига дунё юкин
Ортанлар ҳам шундадир.
Олис йўллар азоби
Тортанлар ҳам шундадир.

Етмоқ мушкул, йўллар чағир,
Сабот кутар одамдан.
Кўтарилар гоҳо бағир,
Нажот кутар одамдан.

Йўллариди қўйлар битай,
Эриб кетсин хатто тош.
Юрак, шундай бир майдон бор,
Етмоқ учун бер бардош!

ЯХШИЛИК ИСТАБ

Йўд, сиз мендан чўчимагн асло,
Қалбингизни босмасин гулу.
Совуқ бир сўз айтмасдан хатто,
Сизга барча ахшилик, гап шу.

Яширмайман, кўплар баъзида
Ҳақ таъминда келдилар озор.
Тўсмоқ бўлиб кўш юзники
Беҳудига чиранганлар бор.

Тинчлагансиз ҳаёлга ботиб
Мен ҳақдаги қанча гапларни.
Ҳақиқатини гулҳани ёқиб,
Рост, ёдидирим нопок қалбларни.

Бу ҳаётнинг ечини мушкул
Тугунига дуч келдим гоҳо.
Баъзида у онадек мунис
Меҳрин этар юрагига жо...

Ҳақ гап, худбин, шухратпарастинг
Дахшат солиб бузди тинччини.
Ҳақиқатни либосига кўриб
Тарк этдим гоҳ туғлар уйқуни.

Йўд, сиз мендан чўчимагн асло,
Қалбингизга тушмасин гулу.
Дилнингизда бор экан поклик,
Сизга ёғсин ахшилик, гап шу!
Анора ПАРДАБООЕВА.

ЭЪТИҚОД

Қадим Шарқда бир Аёлни гулга қиёс қилдилар.
Лабин гулча, қўзин нарис, сочин сувбул дедилар.
У куланда бу дунёнинг бекамлигини билдилар —
Не йилгилар аёлини деб мажнун бўлган эдилар.

Қадим Шарқда бир Аёлни ойга қилдилар қиёс,
Моҳитоб деб зумда кўкка олиб чиқиб қўйдилар.
Зумда ерга тушмайин деб ўзи ҳам қилди парвоз,
Оймонини сўнгра Аёл борлиги чун сўйдилар...

Қадим Шарқда бир Аёлни тоққа қилдилар қиёс,
Билмадилар аёл елкаси йиллар шоимай емирар.
Бир кун ўтса шу манзилдан аёл қийиб оқ либос:
— Шу Аёлга ўхшар эди Алл деган тоғ, дедилар...
Қадим Шарқда бир Аёлни кунга қилдилар қиёс...

ТИЛАКЛАРИМ

Еруғ дунё, сени суйиб улғайиб бормоқдаман.
Қадамимга нурли йўллар туташгани раст бўлсин.
Қўлчаларим кенг ёйганча бўғдойзорга етияман,
Дехқон отам, қонувларинг нурга, дон-дунга тўлсин.
Гуркираган замин бор бўл, тоғларнинг тугаётган ишоним,
Гулга кирган оқ шафтоли тугаётган ишоним.
Кўш нур чўлғаман ҳар бир лаҳзамдан тондим,
Мен меҳнатли кунларимга айтар бўлдим шукрона!
Қоғозларни четга суриб, ҳаёларга ботарман
Туйдим: Инсоф, Шафқат экан боқиб дунёга устман.
Эзгуликни таянч билб, уни мақкам тутарман,
Бу сакхй Ер, кўркам боғлар бўлмасин пайҳон бир кун.
Ҳар кун саҳар деразамини лагн очаман-да хушқол,
Ҳаққираман:
«Она—ерни асранг, азиз одамлар!»
Ана, тошин ёриб чиқиб байрам қилгилти ниҳол,
Ниҳолларни босмай бир-бир йирклишар қадамлар...
Севара ТўЛАГАНОВА.

ҚУЛЛУҚ ҚИЛАМАН



М. ИБРОХИМОВА,
запасдаги офицер.

ҲАР йили халқаро хотин-қизлар кун — 8-Март нишон-ланаётган бир пайтда тинч-давра байрамларини тантана қилиш қанчалик қувончли эканини ҳис этаман. Шун-

дай кунларда сурони уруш йилларини эслайман. Ўшанда ҳеч қандай байрам ҳам тати-масди кишга. Уруш машаққатлари фронт ортдаги заҳматнаш аёллари-ни зиммасига тўғри келарди. Кечагина ал-лй ёниб турган атлас кийган қизларимиз этик кийиб далага, норжона кийиб заводга, шинель кийиб ҳара-катдаги қисмларга йўл олишди. Ватанимиз оғир йилларни бо-шидан кечираётганини ҳамми-низ бирдек ҳис этиб турардик. Шунинг учун кўплай ўзбек хо-тин-қизлари ҳам кўнгилдилар сафида фронтга отландилар. Лекин, уларнинг кўнглигига душман билан жанг қилиш на-тижаси эътибори: ҳарбий комисса-риятдан фронт ортдаги фронтга йўллама берилди. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

«Халқ ҳақиқий жанг нима эканини кўришга улгурмай

эвакуация қилинаётган ҳарбий госпиталь билан яна Тошкен-га жўнатилди. Аввалига алам қилди. Фронтга бориб жанг қилмай қайтаётганимдан кўнглим чўккан эди. Лекин кейинчалик менга топширил-ган вазифа ҳам, бу ерда аёл-ларимиз амалга ошираётган ишлар ҳам осон эмаслигини сездим. Тошкент тўқимачилик ком-бинати яқинида жойлашган госпиталда ҳамшира бўлиб иш-лай бошладим. Оғир яралиган жангчиларимизни машиналар-дан махсус мосламаларда кў-тариб палаталарга келтириш-дан тўғиб, уларни оёққа тур-гизувчи бўлган барча юмуш-лар аёлларимиз зиммасида эди. Лекин, улар бирор марта иш оғирлигини юлгиларини, ёмон кайфиятга юрталла-рини аслай олмайдим. Англи-ча, палаталарда йўқ нарсадан баҳона топиб кўлги кўтаришга

ҳаракат қилишарди. Ҳамшира-лар хонасида тўпланганимизда эса ҳаммамиз хомуш тортиб қолардик. Кейин-кейин билсам ҳаммамиз бирдек ярадорлар кайфиятини кўтаришга ин-тилкам-да, лекин аламимиз ичимизда юрарлар эканимиз. 1945 йилнинг баҳори ўзгача келди. Фашистлар Германияси барча фронтларда талафот кўраётган пайт. Бир неча йил давомида 8-Март байрамими ҳеч ким эсламаган эди. Лекин 1945 йил 8-Мартда госпитал-даги жангчилар ҳам аёлларимизни байрам бидан қизинг табриклашди. Яна икки ойдан кейин эса госпиталда ҳақиқий байрам бўлиб кетди. Бу ғалаба байрам эди. Шунинг учун барча хотин-қизларини байрам билан та-бриклаш эканман, фронт ор-тидаги заҳматларини ўз зим-масига олган аёлларимизга таъ-зим қиламан.

БАЙРАМ ҚЎШИҚЛАРИ БАРАЛЛА ЯНГРАЙДИ

Област маданият муасса-саларининг коллективлари халқаро хотин-қизлар байра-мига муносиб совға билан келдилар. Маданият сарой-лари, клубларда «Концерти-миз, Сизга онажонлар», «Сиз билан ҳаёт гузал», «Севинчингизга севинч қў-шамиз», «Рақсга чорлар шўх тароналар» каби ўнлаб те-матик программаларда кон-цертлар кўрсатилади.

Шаҳар ва районлар халқ театрларида «Аёл — қаҳра-

Халқаро ҳаёт ХЎРЛАНГАН ОНА-БОЛАЛАР

Франция энг бой «социел адолатли» Ғарб мамлакатлари-дан бири эканини оғиз кўпирти-риб таъкидот қилгани-қилган. Вақоланки бошқа капиталистик мамлакатлардаги каби Фран-циянинг ҳам иқтисодий ҳаёти-да нуқсонлар тўлиб-тошиб ётмади. Чунончи, француз меҳнаткеш оммасининг ўн процентдан кўпроги ичорор ҳаёт кечираётганини ҳоқимият органларининг ўзи ҳам тан олмақда. Бу ўн процент хо-лисанило ҳисоблаб қаралса, олти миллион французни ташкил қилар экан. Бу ҳази-лакам гап эмас! Шундан ярми эса боши нукул қийинчилик-дан чиқмайдиган ишчилардан бўлиб, 50 миллион француз му-лоқабатсиз, бошпанасиз, ётар жўннинг тайини бўлмаган турли ашдагн афғор кишилардир.

Ҳар йили гузал маликалар мусобақаси ўтказиладиган бойвеча шаҳар — Париж-нинг ўзидега ўн мингдан ортиқ бошпанасиз кишилар, аёллар, ҳатто болалар ҳам бор. Баъзилар оиласи билан қи-рин-қизин сарсон-сарғардан из-ғиб юришади. Эндигина ўттиз баҳорини қаршилаган Берна-детта Евеллар оиласини бош-қасига қилиш мумкин. Ҳозир у Парижнинг қон ўртасидан оқиб ўтадиган Сена дарёси қирғоғига жойлашган ташла-дик «Пажо-204» машинаси ичи-да беш боласи билан жон сак-лапти. Унинг кенжаси энди-гина етти ойлик бўлди.

Тўғри, Бернадетта олдин оз-ми-кўпми тоқат қилса бўлади-ган кўнглида эри ва бола-лари билан ҳамжиҳат яшарди. Эр шўрликнинг бошига иш-сизлик касофати тушди-ю, оила аҳоли янада оғирлашди. Квар-тира ҳақини тўламагани учун Бернадеттани болалари билан кўчага ҳайдаб қўйишди. Аёл катта фарзандларини Париж-дан 400 километр узоқликда-ги болалар уйига жойлаштир-ди. Қўлдаги гўдаги билан

мади. Ҳатто шаҳар мэри, рес-публика президентидан ёр-дам беришларини сўрадим.

Афсуски, Б. Евеллар оиласи га ҳеч ким ёрдам қилини нў-мади, арзини тингламади. Бо-лаларининг тақдирини, турар-жойи билан қизқимди. Тўғри, Бернадеттага кўп болали она бўлгани учун давлат томони-дан нафақа тўланади. Аммо бу пул квартира ҳақини тўлашга зўрға етмади, холос. Оқир-бир дўсти элининг бу мушкул аҳолига юраги ачиб, унга Франция Коммунистик партия-сининг газетаси «Юманите»га хат ёзишни маслаҳат берди. Бечора она бошдан кечирган-ларини очик-ойдин газетчи-ларга ҳикоя қилди. Ана шун-дан кейингина унга ва бола-ларига ҳақиқий ёрдамлар келе бошлади. Бу ёрдамлар шаҳар-нинг диомдор, чўнтакларни қаппайган, бойвеча қорна-лонларидан эмас, оғир турмуш азобларини кўп кўрган оддий одамлардан келди.

Парижда ва Франциянинг бошқа катта шаҳарларида кўча кезиб юрган бошпанасизлар кеч тушиши билан тунаш уй-ларига тезроқ бориб жойли бўлиб қолмиш шошиладилар. Чунки у ерларда ҳам уй киши-дан бирига жой етмайди. Ем-ғир ва қор остида толиқиб, скармийкада ёки иссиқроқ вентиляция решеткиси устида қора туни ташвиш билан ўт-казадиган бошпанасизларни кўриб ачинасан, киши.



Астрид ЛИНДГРЕН—таърифул швед ёзувчиси. Унинг «Пепли — Узул Пай-пок», «Карлсон ва Кичкин-той ҳақида» повестлари ва эртаклари дунёдаги барча болаларга ахши таниш. Полфотот—ТАСС фотоси.

ЧАДДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 6 март. (ТАСС). ЧАДнинг шимоли-шарқиди миллий бирлик муваққат ҳу-кумати кучлари билан Фран-ция интервенциячи корпуси-нинг ва АҚШнинг мададида ҳаракат қилаётган Нжамена режим кишиларини ўртасида жанглар кучайиб, кетди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Калат аҳо-ли пункти районида шиддат-ли жанглар бўлимоқда. Маз-кур аҳоли пункти Нжамена-дан Фада шаҳрига олиб бо-радиган йўл ёқасида жо-лашган бўлиб, у миллий бир-лик муваққат ҳукумати куч-лари қўлидадир.

Нжаменада жойлашган француз жанговар самолёт-лари Хабре қўшинларига ёр-дам бериш учун омонга кў-тарилди. Буни бу ерда Фран-ция муҳофаза министрининг вакили тасдиқлади. Мат-лумки, «Кугузи» маҳфий но-ми билан ўтказилаётган ин-тервенциячилик операцияси доирасида Париж Чада 900 дан ортиқ солдат юбориб, Чада пойтахтидаги базада Ф-1 «Сароб» тугиб олувчи само-лётлари ва «Ягуар» қирув-чи самолётларини жойлаш-тирди.

Миллий бирлик муваққат ҳукуматининг Париждаги ва-кили жанглар тўғрисида маълум қилиб, муваққат ҳу-кумат кучлари Калат ва Умм-Шалуба устидан кон-трол ўрнатганликларини ай-тди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ ПРАГА. Чехословакия-нинг Часта шаҳрида «Тари-хий материализм ва иқти-соий фанлар» мавзунда халқаро илмий конференция очилди. Конференцияда БХР, ВХР, ГДР, ПХР, СССР ва ЧССРдан келган олимлар қатнашмоқдалар. Доклад ва музокараларда социалистик жамиятнинг ри-вожлантиришнинг муҳим проблемаларига тааллуқли назарий ва методологик ма-салалар анализ қилинмоқда.

◆ ВАШИНГТОН. АҚШ манфур «стратегик муҳофа-за ташаббуслари» доирасида ядровий программаларнинг қўл-қатнашларини кескин қў-пайтириш ниятидадир. ЮПИ ахборот агентлигининг хабар беришича, президент Рейган «Самовий урушлар» про-граммаси билан бевосита боғлиқ бўлган ядровий қў-ролланш соҳасидаги тади-қотларни жадаллаштириш учун яна 62 миллион дол-лар сўраган.

◆ ОСЛО. Норвегияда кос-мик фазонинг ҳарбийлашти-ришни қўзғовчи ҳар қандай тадиқотларни тақиқлашга қақирувчи давлатномага им-зо тўплаш катта кампания-си бошланди. «Фан ва ядро асрида мастулуят» ташки-лотининг ташаббуси билан Норвегия олимлари, универ-ситетлар ва олий ўқув юр-тларининг муаллимлари ора-сида ўтказилмоқда.

(ТАСС, 6 март).


Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

/ "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗ-БЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕ-ТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосерлари — 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретари—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда —325553; совет қурилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт —337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик —325556; ре-дакция бўйича тунги навбети —334808, 325353.

